


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Тизим судьялар ўртасида ишни тақсимлайди

10.03.2020 йилдаги ЎРҚ-607-сон Қонун билан «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва процессуал кодексларга тузатишлар киритилди.

Судьялар ўртасида ишлар автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланади. Илгари бу тегишли судлар раислари, Олий судда эса – судлов ҳайъатлари раислари мажбуриятига кирган. Жорий этилаётган тизим судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашувини ҳисобга олади.

Бундай механизм суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши, яъни «инсон омил»ни истисно этади ва суд тизимида бюрократия даражасини пасайтиради. Судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартибини Олий суд Раёсати тасдиқлайди.

Бундан ташқари, тузатишлар иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчилари ўртасида ўзаро мунобатларни соддалаштирди. Энди даъво аризаси

нухаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни жавобгар ва бошқа шахсларга электрон шаклда жўнатиш мумкин. Бунинг учун техник функционали модернизация қилинадиган солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ИПКнинг 151-моддаси илгаригидек ушбу далилни ҳужжат билан тасдиқлашни назарда тутди. Бошқа ҳолатда даъво аризаси ИПКнинг 155-моддасига асосан қайтарилади.

Шунингдек, ИПКда судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқариши лозим бўлган муддат ёзилган:

- даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан 5 кундан кечиктирмай – умумий тартибда;
- даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган ва

иш кўзгатирилган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай – судгача мажлис ўтказишда.

Ишни жараёнга тайёрлашнинг ўзи эса энди илгари белгиланган 5 кундан кўпроқ вақтни талаб қилиши мумкин. Судья қандайдир аниқ муддат билан чекланмаган. Бундан келиб чиқадиги, ишни тайёрлашга ИПКнинг 163-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган вақт талаб этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 11.03.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

КСЗ ташкил этиш – Халқ депутатлари кенгашлари қарори бўйича

ВМнинг 9.03.2020 йилдаги 134-сон қарори билан Кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этишнинг янги тартиби тасдиқланди. Илгари амал қилган тартиб (*Низом, ВМнинг 31.12.2014 йилдаги 378-сон қарорига 1-илова*) ўз кучини йўқотди.

Президентнинг 21.06.2019 йилдаги ПҚ-4363-сон қарорга мувофиқ кичик саноат зоналари (КСЗ) иштирокчилари учун янги қоидалар белгиланган. Шу муносабат билан КСЗ ташкил этиш ва унинг иштирокчиларини танлаш механизми бирмунча ўзгартирилди. Қисқача баён этилганда механизм қуйидаларни ўз ичига олади.

Танлаб олинган инвестиция лойиҳасини КСЗ ҳудудида амалга ошириш учун ер участкасини ажратиш

тўғрисидаги қарор Маъмурий кенгаш – туман ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат коллегиал органнинг баённомаси шаклида расмийлаштирилади. Маҳаллий ҳокимият органи томонидан ер участкасини ажратиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилиниши талаб этилмайди.

Янги КСЗ ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган КСЗ ҳудудининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда, вилоят (Тошкент шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари (*илгари – вилоят ҳокимиятлари*) томонидан қабул қилинади. Ушбу қарорлар КСЗнинг кадастр ва ер тузиш ҳужжатларини тайёрлаш, бош режасини ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектларига саноат ишлаб чиқаришини ҳамда унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ташкил қилиш учун КСЗ ҳудудида ер участкасини бериш учун асос бўлади.

Маъмурий кенгаш Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгашларига қуйидаги ҳужжатлар тўпламини киритади:

- янги КСЗ ташкил этиш ёки фаолият кўрсатаётган КСЗ ҳудудларининг чегараларини ўзгартириш заруратини асослайдиган таҳлилий маълумот;
- ер участкасининг чегаралари ва майдонлари

тўғрисидаги маълумот, шунингдек негизда янги КСЗ ташкил этиш ёки ер участкаларини фаолият кўрсатаётган КСЗ таркибига киритиш режалаштирилаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва бўш турган ер участкаларининг рўйхати;

➢ КСЗ ҳудудининг муҳандислик-техник коммуникацияси ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжудлиги, инфратузилма объектларини қуриш бўйича ҳисобкитоблар ва молиялаштириш манбалари тўғрисида маълумотлар.

Инвестиция лойиҳалари икки ойда камида бир марта ўтказиладиган танлов асосида танлаб олинади. Қуйидагилар лойиҳаларни КСЗ ҳудудида жойлаштиришнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

➢ белгиланадиган тармоқ хусусиятига мувофиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;


➢ янги иш ўринларини ташкил қилиш;

➢ пул билан ифодаланадиган қийматга эга бўлган инвестицияларни киритиш. Инвестициялаш шакли – қонун ҳужжатларига зид бўлмаган исталган шаклларда;

➢ муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кўллаган ҳолда, замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий этиш асосида импорт ўрнини босадиган ва (ёки) экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар турлари, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

Булажак инвестор танловда иштирок этиш учун бевосита келиб ёки почта (хабардор қилган ҳолда буюртма хати) орқали КСЗ дирекциясига инвестиция буюртманомасини 2 та муҳрланган конвертларда тақдим этади.

2-бетда



Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Белгиланган ёшдан олдин пенсияга чиқмоқчиман

7-БЕТ

ЭРИдан рухсатсиз фойдаланиш: раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари

8-БЕТ

Электрон туристик виза юзасидан саволим бор

КСЗ ташкил этиш – Халқ депутатлари кенгашлари қарори бўйича

1-бетда Инвестиция буюртмасига қуйидагилар илова қилинади:

- таклиф этилаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси;
- инвесторнинг охириги 3 йил (мавжуд бўлганда) давомидаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот;
- талабгорнинг кўрсатилган соҳада иш тажрибаси ҳақида маълумот.

Инвестиция буюртманомалари солинган конверт-

лардан бири Маъмурий кенгаш йиғилишида очилади. Иккинчиси ишчи органда сақланади ва инвестиция лойиҳалари мазмуни бўйича мунозарали ҳолатлар вужудга келганда очилади.

Яратиладиган янги иш ўринлари сони, рақобатбардош, харидоргир, талабгир маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик ҳолда энг занжирини ташкил этиш ҳисобга олинган ҳолда энг жозибадор инвестиция буюртманомаси энг яхши инвестиция лойиҳаси деб тан олинади.

Дирекция инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида тадбиркорлик субъектини КСЗ иштирокчиси сифатида рўйхатга олади ва гувоҳнома беради.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.03.2020 йилдан кучга кирди.

Маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланади

2020-2021 йиллар учун ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқланди (ВМнинг 2020 йил 10 мартдаги 136-сон қарори).

Дастурга мувофиқ ҳудудларга \$3,1 млрд миқдорда импорт ўрнини босадиган ва \$351,6 млн миқдорда экспорт қилинадиган маҳаллий ишлаб чиқаришни ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 2 300 дан ортқ лойиҳалар амалга оширилади. Дастурда иштирок этадиган корхоналар рўйхати, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар тури ва 2020 ва 2021 йилларда ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмлари ҳужжатга илова қилинадиган жадвалларда муайян иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар кесимида кўрсатилган.

Дастурга киритилган лойиҳалар ташаббускорлари кичик саноат зоналарининг ер участкалари, фаолият кўрсатмаётган, бўш турган бинолар, иншоотлар, қури-

лиши тугалланмаган объектлар ҳамда муҳандислик инфратузилмасини олишда устуворликка эга бўлади. Дастурга киритилган лойиҳалар доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида (уларнинг нархи, техник ва миқдор кўрсаткичлари) маълумотлар эса электрон кооперация порталига биринчи навбатда жойлаштирилади.

Шунингдек, 2020–2021 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштириш учун тавсия этиладиган

тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларининг рўйхати тасдиқланди. Унда 850 та ном мавжуд. Рўйхатга киритилган маҳсулотларни харид қилишда буюртмачилар махсус контрактларни танлов тартиб-таомиллари йўли билан тузишга ҳақли. Улар инвесторга етказиб бериш бошланган вақтдан 2 йил давомида маҳсулотларни давлат харидлари тизими орқали харид қилиш кафолатини беради. Бунда мажбурий шарт – сифат бўйича талабларга, келишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал

қилиш. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарларига юклатилган.

Дастурга киритилган ташкилотлар учун маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар (хизматлар) рекламасини жойлаштиришда 50%дан кам бўлмаган миқдорда чегирмалар амал қилади. Бундай имтиёз Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг хулосасига асосан Миллий телерадиокомпания томонидан тақдим этилади.

2020 йилда ҳудудий саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларини ўтказиш жадвали тасдиқланди. Турли вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 346 та корхонаси ўз маҳсулотларини тақдим этади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.03.2020 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Норма» МЧЖ эксперти.

НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ

Бизни текширинг, илтимос

ДСҚ Солиқ мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжат «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун ва Солиқ кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Солиқ мониторинги солиқ, бухгалтерия, молиявий ва статистика ҳисоботини ва солиқ тўловчининг бошқа ҳужжатларини реал вақт режимида узлуксиз кузатиб бориш, солиштириш ва таҳлил қилиш йўли билан ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, солиқ мониторинги солиқ тўловчи учун иштиёрий ҳисобланади. Юридик шахс, агар олдинги йил учун унинг даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида 10 млрд сўмни ташкил этган бўлса, солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Ариза берилган йилдан кейинги календарь йил солиқ мониторинги ўтказиладиган давр ҳисобланади (СК 169-м.).

Лойиҳадан келиб чиқса, солиқ мониторингини ўтказиш учун аризани солиқ тўловчининг шахсий кабинетида (уни ўтказиш сўралаётган йилдан олдинги йилнинг 1 июлидан кечиктирмай) жўнатиш мумкин. Ҳоҳишга кўра, солиқ тўловчи мониторинг ўтказишнинг «Йўл харитасини» ишлаб чиқиши ва уни солиқ орга-

нига тақдим этиши мумкин. «Йўл харитаси» ахборот алмашиш бўйича қўшма лойиҳа тайёрлашни назарда тутаяди. Солиқ мониторингини ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан 1 ноябрга қадар қабул қилиниши лозим.

! Агар ҳисобот даврида солиқ мониторинги ўтказилса, ушбу давр учун камерал, сайёр текширувлар ва солиқ аудити ўтказилмайди. Бундан асослантилган фикр бажарилмаганлиги, солиқ мониторингининг вақтидан аввал тугатилиши ҳоллари мустаснодир.

Мониторинг ўтказиш чоғида солиқ органи ташкилотнинг ахборот маълумотлари ва солиқ солиш базасини аниқлаш бўйича ҳужжатлардан, солиқлар ва йиғимлар ҳисоб-китоби, уларни тўлаш ва ҳисоботларни топшириш муддатлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Солиқ кодексининг 150 ва 151-моддаларига асосан мониторинг жараёнида экспертлар жалб қилиниши мумкин. Бунда солиқчилар солиқ сирини сақлашлар-

ри ва фойдаланиладиган ахборотнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Солиқ тўловчи мустақил равишда текширувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш регламентини танлашлари, ноаниқликлар ва саволлар вужудга келганда – асосланган сўров билан солиқ органига мурожаат қилишлари мумкин. Ахборот материаллари, ҳужжатларни солиқчиларга турли усуллар орқали: шахсан ёки вакил, почта орқали ёки буюртма хат билан, телекоммуникация алоқа каналлари, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали жўнатиш мумкин. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати – тегишли талабнома олинган пайтдан эътиборан – 5 кун.

Солиқ органи ўз ташаббусига кўра ёки солиқ тўловчининг сўровига биноан солиқ ёки йиғимнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги ва ушлаб қолинганлиги, ўз вақтида тўланганлиги юзасидан ўзининг асослантилган фикрини билдириши мумкин. У солиқ мониторингини ўтказиш муддати тугашидан 3 ой олдин тасдиқланган шаклда тузилиши ва тасдиқланган кундан эътиборан 5 кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилиши даркор.

Ҳужжат 2020 йил 26 мартга қадар муҳокама қилиш, фикр-мулоҳаза ва таклифларни киритиш учун жойлаштирилган.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Лопа Абдуазимова.

УШБУ СОНДА

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар

• **НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ**
– Бизни текширинг, илтимос
2-бет

• **ПЕНСИЯ ИШИ**
– Шартларга риоя этган ҳолда

– Мажбурий улушга эга бўлмаган меросхўр
– Стаж масаласига доир
– Муддат чекланган
– Қўшимча тўлов эмас, устама тўланади
– Тадбиркор бўлиш учун
– Ишлашда давом этиш керак
– Имтиёзли пенсияга чиқишнинг ўзига

хос жиҳатлари
– Кўпроқ тўланади
– Қарор қабул қилинади ва тушунтириш берилади
– Ишончнома бўйича пенсия тўлаш
– Ҳисобга олиш шакли – электрон
– Пенсиямиз роса «ошиб кетди-ку»
3-6-бетлар
• **РАҲБАР ЭЪТИБОРИГА**

– ЭРИ нимаси билан хавфли: директор ва бош бухгалтернинг хатарлари
7-бет

• **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
– Консуллик ҳисобига туриш керак
– Ўз вақтида расмийлаштириш зарур
– Виза – онлайн
– Олдинги, эҳтиёт қилинг
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlar» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу нашрдаги бир қатор саволларда имтиёзли пенсия мавзуси қамраб олинган. Темирийўлчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам, 54 ёшга тўлган аёллар ҳам бундай ҳуқуққа эга бўлади. Улар имтиёзли пенсия тайинлашнинг шартлари ва айрим жиҳатлари билан танишиб чиқишлари мумкин.

Пенсия жамғармаси манзилига йўлланган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг статистик таҳлили пенсионерлар учун тушунарсиз бўлаётган масалаларни кўрсатиб берди.

Экспертдан сўранг

Шартларга риоя этган ҳолда

Тахририятга келган мурожаатлар орасида темир йўл транспорти ходимларига пенсияларни расмийлаштириш ҳақидаги саволлар кўп учрайди. Кўп саволлар имтиёзли пенсия тайинлаш шартларига тааллуқлидир. «**Norma**» МЧЖ эксперти Зафаржон Хўжаев имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи ва уни тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўзлаб берди.

– **Маълумки, белгиланган ёшдан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқидан оғир ва зарарли шароитда ишлаган ходимлар фойдаланадилар. Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир бўлинмада ишлаган ходимлар пенсияга чиқётганда уларнинг бирига ушбу ҳуқуқ берилиши, бошқасига эса рад этилиши мумкин. Бу нималарга боғлиқ?**

– Ҳақиқатан ҳам, бундай ҳолатлар нафақат темирийўлчилар, балки бошқа соҳа вакиллари орасида ҳам кўп учрайди. Ҳамма гап шундаки, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг махсус рўйхатларида (**ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган**) назарда

тутилган. Сизнинг ҳолатда бўлинманинг бир ходими мутахассислиги ушбу рўйхатларга киритилган, бошқасиники эса киритилмаган бўлса керак.

Темирийўлчилар белгиланган ёшни 10 ва 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бинобарин, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли Рўйхатининг I қисмида мутахассислиги кўрсатилган ишчилар белгиланган ёшни **10 йилга қисқартирилган ҳолда** пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли Рўйхати анча катта. 3-сонли

БУГУНГИ СОНДА:

**СТАЖ ТЎҒРИСИДАГИ
МАСАЛА**

*Битимга ва ЯИТ
тўловига мувофиқ
ҳисобга олиш*

3

**ИМТИЁЗЛИ
ПЕНСИЯГА
ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

*Умумий стаж
етарли бўлганда*

5

**КЎПРОҚ ТЎЛАНАДИ
Ютуқ ўриндошда
бўлади**

6

**ИШОНЧНОМА
БЎЙИЧА ПЕНСИЯ
ТЎЛАШ**

Буни билган яхши

7

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Рўйхатнинг I қисмида темир йўл соҳасидаги қуйидаги касб ишчилари ва мутахассислари кўрсатилган: бригадирлар, поездларнинг юқори интенсив ҳаракатланиши мавжуд станциялар навбатчилари, машинистлар ва машинист ёрдамчилари, вагон кузатувчилари, юк поездлари операторлари, кондукторлари ва бошқа мутахассисликлар. Ҳаммаси бўлиб 20 тадан ошади.

Рўйхатларни қўллаш тартиби Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида йўриқномада (АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган. Унга мувофиқ 2-сон Рўйхатнинг I қисми ва 3-сон Рўйхатнинг I қисмида ишчилар касби **умумий номланиш** асосида киритилган ҳолатларда, имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига ушбу касбларнинг мазкур ишлаб чиқаришда ва ишларда банд бўлган **барча номланишидаги** ишчилари, шу жумладан бош ва катта ишчилар ҳамда уларнинг ёрдамчилари эга бўлишади (Йўриқноманинг 14-банди).

Рўйхатларда касб ва лавозимлари ҳамда меҳнат шaroитлари қайд этилмаган бошқа темир йўл транспорти ходимлари 60 ёшда (эркаклар) ва 55 ёшда (аёллар) пенсияга чиқадилар.

– Имтиёзли шартларда пенсияга чиқадиганларнинг иш стажи қанча бўлиши керак?

– Имтиёзли пенсия тайинлаш учун ҳодим умумий стаждан ташқари, махсус стажга ҳам эга бўлиши лозим.

10 йил олдин пенсияга чиқадиганлар (2-сонли Рўйхат, I қисм) тўлиқ иш куни давомида банд бўлиши лозим. Эркаклар иш стажи **камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йил** меҳнат шaroити ўта оғир ишларда кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда, аёллар иш стажи **камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи** кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси «а» банди, 12-моддаси «б» банди).

Меҳнат шaroити ўта зарарли ишларда (эркаклар **камида 5 йил, аёллар камида 3 йил 9 ой**) ишлаган ходимларга пенсия умумбелгиланган ёшни (Қонуннинг 7-моддаси) шундай ишда банд бўлинган **ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда** тайинланади.

Пенсияга 5 йил олдин чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлар (3-сонли Рўйхатнинг I қисми) ҳам умумий ва махсус стажга эга бўлиши лозим. Эркаклар учун иш стажи **камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи**, аёллар учун иш стажи **камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили** ўта зарарли ишларга тўғри келган тақдирда имтиёзли пенсия тайинланади.

Меҳнат шaroити зарарли ва оғир ишларда (эркаклар **камида 6 йилу 3 ой**, аёллар **камида 5 йил**) ишлаган ходимларга пенсия умумбелгиланган ёшни эркакларнинг

бундай ишдаги **ҳар 2 йилу 6 ойи** учун ва аёлларнинг бундай ишдаги **ҳар 2 йили учун 1 йилга** қисқартирилган ҳолда тайинланади.

– Умумий сингари махсус стаж ҳам тасдиқланиши талаб этиладими?

– Ҳа, албатта. Рўйхатлар иш ўрнини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказишни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади (ВМнинг 250-сон қарори 2-банди).

Иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби Низом (ВМнинг 263-сон қарорига 1-илова) билан тасдиқланган.

Ҳар бир рўйхатга меҳнат шaroитлари мос келиши керак. Меҳнат шaroити мос келмаган ҳолатларда имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини бериш рад этилади.

Аттестация 5 йилда камида 1 марта ўтказилади. Тегишинча, камида 2 та натижа бўлиши лозим (2-сон Рўйхатнинг I қисми бўйича, аёллар учун махсус стаж 7,5 йилли, эркаклар учун 10 йилли ташкил этишни ҳисобга олинади). 3-сонли Рўйхат бўйича аттестация аёллар учун камида 2 марта, эркаклар учун эса камида 3 марта ўтказилиши керак (*сабаби аёллар учун белгиланган махсус стаж 10 йилга, эркаклар учун эса 12,5 йилга тенг*).

– Ходим малака ошириш курсларида бўлган. Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари ушбу давр учун махсус стажни ҳисобламаганлар, бу тўғрими?

– Ҳа, тўғри, сабаби иш ҳақи сақланмайдиган таътиплар, академик (ўқиш) таътипларда бўлинган вақт, **малака ошириш курсларида**, клиник ординатурада (интернатурада) ўқиш, амалиёт ўташ ёки ўқиш даврлари махсус стажга **қўшилмайди**.

Талабалар, стажёр-тадқиқотчилар, интернлар, аспирантларнинг ўқиш даври имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи иш билан бирга олиб борилган бўлса, ушбу давр тўлиқ иш куни ишланганлик шarti билан махсус стажга қўшилади.

– Имтиёзли пенсия тайинлаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

– Темир йўлчилар 252-сон Низомнинг 12-бандида кўрсатилган пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатлардан ташқари қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим:

- махсус иш стажи;
- иш вақти давомийлиги нормаларига қўйиладиган талабларга риоя этилганлиги.

Имтиёзли пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқни аниқлаштирувчи маълумотнома (252-сон Низомга 11-илова) ташкилот маъмурияти томонидан тақдим этилади. Унда меҳнат фаолияти давомидаги бандлик (тўлиқ ёки қисман) ҳамда бажарилган ишнинг хусусияти кўрсатилади.

Маэзуев сонни Алла Ромашко олиб боради.

Мажбурий улушга эга бўлмаган меросхўр



Болаликдан ногирон бўлган жияним 28 ёшда. 1999 йилда унинг отаси вафот этган. Жияним онаси билан бобосининг (отаси томондан) қарамоғида қолган, 3 йил бирага яшаган. Ҳозир алоҳида яшашади. Бобоси 2005 йилда вафот этган, у барча мол-мулкни кичик ўғлига – жиянимнинг амакисига васият қилган.

Жиянимга бобосининг мол-мулкдан мерос улуши тегиши мумкинми?

– Жиянингиз қонун бўйича мерос бўлишига қарамай, унга бобосидан мерос улуши тегмайди.

Жиянингиз тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр ҳисобланади, яъни қонун бўйича меросхўрнинг (унинг отасининг) улуши мерос очилгунга қадар вафот этганлиги сабабли ўғлига берилиши лозим эди (*ФКнинг 1140-моддаси*). У қонун бўйича меросхўр шахслар доирасига киради.

Бироқ у қуйидаги сабабларга кўра меросдан улушга умид қилмаса ҳам бўлади. Мерос тўғрисидаги асосий қоидалардан бири, шубҳасиз, қонун бўйича мерос олдидан васият қилинган мерос устунлик қилади (*ФКнинг 1120-моддаси*). Фуқаро (бобоси) ўз мол-мулкни ёки унинг бир қисмини қонун бўйича меросхўр бўлган ва бўлмаган битта ёки бир нечта шахсларга васият қилиши мумкин эди. Васиятнома мавжуд бўлмаганда ёки мол-мулкнинг бир қисми насоят қилинганда, қонун бўйича меросхўрлик юзага келади.

Васият қолдирувчи томонидан меросдан бутунлай маҳрум қилиш мумкин бўлмаган ва васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, мерос оладиган шахслар доираси – мажбурий улуш оладиган меросхўрлар назарда тутилган. Улар жумласига мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар киради. Улар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар (*ФКнинг 1142-моддаси*). Мажбурий улушга эга меросхўрлар рўйхати мукамал ҳисобланади. Жиянингиз ушбу шахслар доирасига кирмайди.

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Бизга ёзган экансиз

Стаж масаласига доир



Пенсия ёшидаги эркак (Ўзбекистон фуқароси) совет даврида 27 йил ишлаган, шу жумладан университетдан сўнг армия сафида 2 йиллик хизмат қилган, охириги 15 йил – Қозоғистонда расмий тарзда ишлаган.

Унинг меҳнат стажига қандай ҳисобланади?

Охириги 15 йил ичидан у ёлланган ишлаган, бироқ бадаллар тўламаган бўлса, ушбу стаж ҳисобга олиниши учун бадалларнинг минимал суммасини ҳозир бийрўла тўлаши мумкинми? Тўлаш мумкин бўлса, нима қилиши керак?

Собиқ СССР ҳудудида ишланган давр учун стаж

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимга (*Москва, 13.03.1992 й.*) мувофиқ **собиқ СССР ҳудудида ишланган давр Битим кучга киргунига қадар бўлган вақт учун**, яъни 1992 йил 13 мартгача иш стажига қўшилади.

Армиядаги хизмат

Баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, 1992 йил 13 мартгача ишланган давр, шу жумладан **армиядаги 2 йиллик хизмат**, шунингдек университетдаги кундузги

ўқиш (одатда 5 йил) қаерда (собиқ СССРнинг исталган ҳудудида) ишланганлигидан қатъи назар, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун **стажга қўшилади**.

Қозоғистонда ишланган даврлар Пенсия жамғармасига ушбу давр учун **сугурта бадаллари** (2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун) ва **ягона ижтимоий тўлов** (2019 йил 1 январдан кейинги давр учун) тўланган бўлса **стажга қўшилади** («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси).

Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан бийрў-

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ла Ўзбекистон Республикасига келган кунидан бошлаб 3 йил мобайнида тўланади (Низомнинг 9-банди, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова).

Тўлов миқдори пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ йилига уни тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган пенсияни ҳисоблаш-

нинг базавий миқдорининг 4,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши мумкин (46-сон Низомнинг 8-банди).

Бунинг учун яшаш жойидаги солиқ органларига Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш истаги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш лозим.

Муддат чекланган



Қандайдир сабабларга қўра пенсионер бир йилдан ортиқ вақт пенсия ололмаган бўлса, ушбу давр учун унга пенсия тўланадими?

– Ҳа, ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули 12 ойдан ошмаган давр учун тўланади (Низомнинг 169-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига

1-илова). Бунинг учун яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия тўловини тиклашни сўраб мурожаат қилиш лозим.

Қўшимча тўлов эмас, устама тўланади



Байналмилалчи жангчилар учун пенсияга бирор-бир қўшимча тўловлар мавжудми?

– Байналмилалчи жанглр учун пенсия алоҳида қўшимча тўловлар мавжуд эмас. Улар уруш қатнашчиларига тенглаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, 252-сон Низомнинг 1-илловасига мувофиқ уларга пенсияга устамалар ҳамда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловлари берилади.

Хусусан, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирил-

ган шахслар пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50%и миқдориди устама ҳақ олиш ҳуқуқига эгалар (Қонуннинг 28-моддаси «ж» кичик банди).

Компенсация пул тўловлари пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 45%и миқдориди белгиланади (АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди).

Тадбиркор бўлиш учун



Маълумотим бўйича рассомман. Мусиқа ва санъат мактабида 10 йил ишлаганман. Ҳозир ҳеч қаерда ишламаяпман.

Кейинчалик стаж бўйича муаммолар юзага келмаслиги учун Пенсия жамғармасига бадалларни мустақил тўлашим мумкинми?

– ВМнинг 46-сон қарори билан тасдиқланган Низом чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш тар-

тибини белгилайди. Тегининча, ҳозирги пайтда бирор-бир иш билан ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлмасангиз, Пенсия жамғармасига бадалларни мустақил тўлашга ҳақли бўлмайсиз.

Ишлашда давом этиш керак



Холам 20 йилдан буён ихтисослаштирилган махсус қарлар мактабида ишлайди. У 50 ёшида пенсияга чиқишга ҳақлими?

– Охириги иш жойидан қатъи назар, қуйидаги ихтисослашган таълим муассасаларида камида 25 йил ишлаган ўқитувчилар белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган

ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сонли рўйхатнинг VII қисми): жисмоний ёки руҳий ри-

Маевуев сонни Алла Ромашко олиб боради.

вожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва мактаб-интернатларда; санатория шаклидаги мактаблар ва мактаб-интернатларда; имконияти чекланган шахслар учун касб-хунар коллежларида; «Меҳрибонлик» уйларида, ҳарбий академик лицейларида; тарбия колонияларида (Қонуннинг 12-моддаси «к» банди).

Бунда имтиёзли пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинганда, умумбелгиланган ҳужжатлардан ташқари, ўқувчилар меҳнат фаолияти юритилган таълим муассасасининг

3-сон Рўйхатнинг VII қисмида назарда тутилган таълим муассасалари рўйхатида мувофиқ келишини, шунингдек иш вақти давомийлиги нормаларига доир талабларга риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Шу тариқа, барча шартларга риоя этилган бўлса, ҳолангиз қўшимча 5 йил ишлаганидан кейин (зарур 25 йил стажга эга бўлиб) имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин.

Имтиёзли пенсияга чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари



Аёллар 54 ёшдан пенсияга чиққанида болани парваришлаш вақти ҳисобга олинмайди деб эшитдим. Шу тўғрими?

– 54 ёшдан пенсияга чиқиш муайян шартлар бажарилиши талаб этиладиган имтиёзли пенсия ҳисобланади.

Қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 20 йиллик иш стажига бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 12-1-моддаси). Қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сўғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса.

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоровий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қўқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи ҳўжаликдаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон ҳўжалигидаги фаолият;

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ЯИТ тўланган тақдирда.

Қўриб турганимиздек, 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи талаб этиладиган 20 йиллик стажга қуйидагилар киритилмайди:

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг ҳулосасига қўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда қўпи билан 3 йил;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчиларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳуқуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

«д»-«и» бандларида назарда тутилган даврлар Қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г» бандларида кўрсатиб

Маълумот учун!

ИШ СТАЖИ – ишда танаффуслар мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, **МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ** ва иш, хизмат, ўқиш жойидан ёки архивдан берилган **БОШҚА ҲУЖАТЛАР** бўйича белгиланадиган, пенсия таъминотида ҳуқуқ берувчи умумий меҳнат ва бошқа фаолияти давомийлиги.

Мавзуй сонни Алла Ромашко олиб боради.

ўтилган аёлнинг умумий иш стажига камида 20 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган даврлар, шунингдек иш ҳақи сақланмайдиган таътиллار юқорида келтирилган рўйхатга киритилмайди.

1-МИСОЛ. Қонуннинг 37-моддаси «а»-«г» бандларида кўрсатилган даврлар бўйича аёлнинг иш стажига 21 йилни ташкил этди, бу 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқини беради. Бунда болани парваришлар даврлари жамланганда 3 йилни ташкил этди. Тегишинча,

пенсия тайинлаш чоғида 24 йиллик (21 йил + 3 йил) стаж ҳисобга олинади.

2-МИСОЛ. Қонуннинг 37-моддаси «а»-«г» бандларида кўрсатилган даврлар бўйича аёлнинг иш стажига 19 йилни ташкил этган бўлса, у 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Тегишинча, 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган тақдирда, иш стажига қолган даврларни ҳам қўшишга зарурат йўқ. Бироқ 55 ёшда пенсия тайинлаш чоғида аёлнинг иш стажига болани парваришлар даврларини ҳисобга олган ҳолда 22 йилни (19 йил + 3 йил) ташкил этади.

Кўпроқ тўланади



Бир неча йилдирки ўриндошликда ҳам ишлайман. Яқинда пенсияга чиқаман.

Пенсия миқдори оширилиши учун иккала иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишим мумкинми?

— **Ҳа, албатта.** Бироқ пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинишини ҳам инobatта олиш лозим (Қонуннинг 31-моддаси).

Масалан, асосий иш жойидан пенсия ҳисоблаш учун ўртача иш ҳақи базавий миқдорнинг 10 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, ўриндошлик бўйича иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишга ҳожат йўқ.

Бироқ келгусида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан

чеклов (пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баравари) оширилиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, ўриндошлик бўйича иш ҳақи тўғрисидаги қўшимча маълумотлар келажакда пенсия миқдорини ошириш учун асқотиши мумкин.

Пенсия ҳисоблаш учун асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан кам бўлса, ўриндошлик бўйича иш ҳақи тўғрисидаги қўшимча маълумотларни тақдим этган ҳолда пенсия миқдорини оширишингиз мумкин.

Зафаржон Хўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

Статистика

Қарор қабул қилинади ва тушунтириш берилади

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот учун жисмоний ва юридик шахсларнинг Пенсия жамғармаси манзилига мурожаатларини кўриб чиқиш асос ҳисобланади. 2020 йил январь ойида 2 000 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Пенсия жамғармаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ мурожаатлар ўз вақтида ва лозим даражада кўриб чиқилишини катъий назорат қилади.

Рақамларга мурожаат қиламиз: 2020 йил январда Пенсия жамғармаси тизимига 2 151 та мурожаат келиб тушган. Улардан 188 таси (9%) Пенсия жамғармасининг ижро этувчи тузилмасига, 1 152 таси (53%) Жамғарманинг

Маълумот учун!

Ёшга доир пенсия тайинлангандан **КЕЙИНГИ ИШ ДАВРИ** пенсия ҳисоблаш учун стажга қўшилмайди.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

худудий бошқармаларига, 811 таси (38%) туман (шаҳар) бўлимларига келиб тушган.

Жорий йил январь ойидаги мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, ижобий тарзда ҳал этилган ва юридик маслаҳатлар бериш орқали қаноатлантирилган мурожаатлар сони 126 тани ташкил этди, 1 973 таси бўйича қонун ҳужжатлари доирасида тушунтиришлар берилди, 18 таси тегишли ташкилотларга юборилди, 34 таси кўриб чиқилмоқда.

993 таси (46%) пенсия миқдори ва уни оширишга доир мурожаатлардан иборат. Қолган ҳолатларда мурожаат этувчиларни қуйидаги масалалар қизиқтирган:

➤ пенсия ёки нафақалар тайинлаш (пенсия ёки нафақа олишга бўлган ҳуқуқ мавжудлиги) юзасидан – 576 та (27%);

➤ пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш ва тўхтатиб туриш юзасидан – 157 та (7%);

➤ пенсия ва нафақаларни ортиқча тўлаш юзасидан – 127 та (6%);

➤ пенсия тайинлашда меҳнат стажи ҳисоби юзасидан – 114 та (5%);

➤ имтиёзли пенсия тайинлаш юзасидан – 75 та (3%).
Фуқаролар бошқа масалалар бўйича, шунингдек таклифлар билан ҳам мурожаат қилганлар (109 та ёки 5%).

Таъкидлаш жоизки, Пенсия жамғармасининг бешта ходимига нисбатан жисмоний ва юридик шахсларнинг

муурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чоралари қўлланилган.

Сирдарё вилояти Пенсия жамғармасининг худудий бошқармасига келиб тушган мурожаатлар сони 294 тани (13,7%) ташкил этган, Тошкент шаҳрида – 293 та (13,6%) ва Тошкент вилоятида – 206 та (9,6%).

Пенсия жамғармасининг ижро этувчи тузилмаси, худудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари томонидан кўчма қабуллар тасдиқланган жадвал бўйича ўтказилмоқда. Кўчма қабул давомида Пенсия жамғармаси мутахассислари пенсия тизимидаги янгиликлар, пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган сўнгги ўзгартиришлар ҳақида батафсил сўзлаб бермоқдалар. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарорлари, хусусан, «Бюрокрatik тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (9.12.2019 йилдаги ПҚ-4546-сон), «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон) қарорлари мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда.

Пенсия жамғармаси матбуот хизмати хабарларидан.

Буни билган яхши

Ишончнома бўйича пенсия тўлаш

Пенсиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончномалар бўйича тўланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида расмийлаштирилган ишончномага ушбу ҳужжат тузилган давлатнинг ваколатли органи томонидан аподистил қўйилиши лозим, Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция (Минск ш., 22.01.1993 й.) иштирокчиси бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар бундан мустасно.

Ишонч билдирувчи Пенсия жамғармасининг бўлимларидан бирига бир йилда камида 1 марта келиб, пенсия тайинланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқлаши лозим.

Бошқа давлатдаги пенсионернинг соғлиғи ҳолати туфайли Ўзбекистонга келиш имкони бўлмаса, у Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига мурожаат қилиши ва дои-

мий яшаш, шунингдек чет давлат ҳудудида пенсия ёки ижтимоий нафақа олиш далилининг мавжуд эмаслигини тасдиқлаши лозим.

Ишончли вакил унга маълум қилинган пенсия тўловига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ушбу далиллар ҳақида Пенсия жамғармасининг бўлимига маълум қилиши шарт.



Маълумот учун!

Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва мuddатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан **ЯШАГАН ВАҚТ МАЪЛУМОТНОМАЛАР БИЛАН ТАСДИҚЛанади.**

Мавзуй сони Алла Ромашко олиб боради.

Хорижда қандай

Ҳисобга олиш шакли – электрон

Россия Пенсия жамғармасида персонификацияланган ҳисобга олиш тизимида фуқароларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни янги шаклда қабул қилиш бошланди.

Россия Пенсия жамғармаси (РПЖ) бошқармасининг қарорига мувофиқ бундан буён барча ҳужжатлар электрон шаклда ҳам тўлдирилиши мумкин.

Янги ҳужжатлар рўйхатида қуйидаги 7 позиция мавжуд:

- рўйхатдан ўтказилган шахснинг сўровномаси;
- яқка тартибдаги шахсий ҳисобварақда (СНИЛС) мавжуд сўровнома маълумотларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ариза;
- тизимда рўйхатдан ўтказилганликни тасдиқловчи ҳужжатни бериш тўғрисида ариза;
- маълумотларни аниқлаштириш тўғрисидаги сўров;
- РПЖга сугурталанувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- кузатув қайдномаси;
- мажбурий пенсия сугуртаси (МПС) тизимида рўйхатдан ўтказилганига қадар бўлган давр учун сугурталанувчи шахснинг меҳнат стажы тўғрисидаги маълумотлар.



Ушбу ўзгартиришлар РПЖнинг янги – фуқароларнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни (электрон меҳнат дафтарчаси деб номланувчи) ҳисобга олиш, шунингдек карточкаларни электрон шаклга ўтказилишига оид функциялар жорий этилиши билан боғлиқдир.

Манба: Рамблер.

Пенсиямиз роса «ошиб кетди-ку»

Пуллар Кремлга...

Челябинскдаги инглиз тили ўқитувчиси, 33 йиллик стажга эга бўлган Елена Карпеня пенсияси 6,6%га индексация қилинганидан кейин 1 рубль 10 тийин қўшимча ҳақ олди. У ушбу суммани Кремлга президент Владимир Путиннинг номига юборди.

«Январь ойидаги индексация (1 рубль) учун катта раҳмат. 33 йиллик стажга эга ўқитувчи», деб айтади унинг банк ўтказмасидаги хабарда. Ушбу хизматга пенсионер 81 рубль ҳақ тўлаган.

Нашр билан суҳбатда Карпеня телевизор орқали аҳолининг турмуш тарзи яхшиланаётгани ва иқтисодий ўсиш бўлаётгани ҳақида гапиришди, лекин мен бу «чўпчак»ка негадир ишонгим келмаяпти, деб айтган.

Ўтган йили, одамлар пулларни Кремлга жўнатишидан олдин ҳам шундай воқеа (индексация борасида) юз берганди. «Келгуси йилда 50 тийин қўшишармикин? Кишини шунчалик хор қилгандан кўра, бундай «оширишлар»ни амалга оширмаган маъмулмикин» дея заҳарханда қилишди одамлар.

У пенсияга чиққанидан кейин дастлаб 7 200 рубль олганлигини қўшимча қилди. Бир неча йиллардан кейин, 2019 йил декабрга келиб ушбу сумма 9 224 рублга оширилган.

Илгари «Мўъжизалар майдони» («Поле чудес») капитал-шоуси бошловчиси Леонид Якубович иш ҳақидан 13%и қаяққа кетаётганлигини ҳалигача тушунмаслигини

айтган. Унинг пойтахтда олаётган пенсияси 23 минг рублни ташкил этади. Бундай сариқ чақага қандай яшаш мумкинлигини ўз тажрибасида кўрсатиб бериши учун меҳнат вазирага ҳам энг кам пенсия миқдорига маош тўлаш кераклигини айтган Якубович.

... совғалар депутатларга

Карелиялик пенсионер фахрийлар учун тўлов индексация миқдоридан норози бўлиб, Қонунчилик йиғинининг мажлисига келган ва депутатларга 2 та рулон туалет қоғозини берган.

«Барча меҳнат фахрийлари номидан сизларга ташаккур билдираман. Фахрийлар учун индексация тўлови шуларни сотиб олишга етди холос. Фойдаланиш учун уларни сизларга бераман» – деб айтган.

Маҳаллий ОАВ хабарига кўра, жамоат транспортидаги йўл ҳақи ва 12 йил давомида норози бўлиб қилинмаган алоқа хизматлари учун компенсация тўғрисида сўз бормоқда.

Ўтган йилнинг охирида Карелия Конституцион суди бунини ҳуқуқбузарлик деб эътироф этган ва ҳукуматга индексация қилини мажбуриятини юклаган. Натижада тўловлар расмий инфляция фойзига оширилган ва абсолют рақамларда 21 рублни ташкил этган.

Манба: РАА янгилликлари.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ЭРИ нимаси билан хавфли: директор ва бош бухгалтернинг хатарлари

ЭРИдан рухсатсиз фойдаланиш раҳбар ва бухгалтер учун муаммога айланиши мумкин. Адвокатлар огоҳлантиради: электрон рақамли имзога худди ташкилот мухри ёки ваколат берилган ходимнинг шахсий имзоси каби жиддий муносабатда бўлиш керак. Бундай имконият ҳар доим ҳам бўлмаса, нима қилиш лозим?

Ўзбекистонда ЭРИни қўллаш доираси кенгаймоқда. 2020 йилда корхоналар электрон ҳисобварақ-фактура ва электрон меҳнат дафтарчасидан фойдаланиши бошланди. «Банк-Мижоз»дан ташқари барча ахборот тизимларида Давлат хизматлари маркази томонидан берилган юридик шахснинг рақамли имзоси зарур. Кўпгина ташкилотларда бу – раҳбар ёки бош бухгалтер (молиявий директор) номига олинган ягона рақамли имзо.

Қўлида юридик шахснинг ЭРИси мавжуд бўлган инсон у қўлланиладиган ахборот тизимларида (ЯИДХП, солиқ тўловчининг шахсий кабинети, ЯММТ, ТИФ-контрактларни рўйхатдан ўтказиш) чекланмаган имкониятга эга бўлади. Кимдир бундан қизиқанидан фойдаланса, яна кимдир ёвуз ниятда фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирга қадар ЭРИдан фойдаланиш билан боғлиқ овозсиз кетган маъмурий ва жиноят ишлари бўлмаган. Буни экспертлардан бирлари ЭРИ биз учун хануз янги ҳодиса эканлиги, бошқалари эса – молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга ниҳоясига етган икки йиллик мораторий билан тушунтиришади. Бошқаларининг фикрига кўра, бундай ишлар ҳозирча шунчаки ОАВ назар доирасига тушмаган.

ЭРИдан турли ходимлар фойдаланади, бироқ кўпинча уни топшириш буйруқ ёки ишончнома билан расмийлаштирилмайди. Шу боис электрон ҳужжат айнан ким томонидан имзоланганлигини аниқлаш имконияти бўлмайди. ЭРИнинг расмий эгаси эса бунда унинг ёрдамида қандайдир ҳужжат яратилганлиги ёки ЯИДХПда интерактив хизмат олиш учун ариза расмийлаштирилганлигини билмаслиги ҳам мумкин.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан пул, товар-моддий бойликларни ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек молиявий ва бошқа ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади. Амалиётда қоғоз шаклидаги бухгалтерия ҳужжатларига кўпинча иккита имзо – бухгалтер (ёки ҳужжатни тайёрлаган бошқа ваколат берилган ходим) ва унинг мазмунига розилигини тасдиқлайдиган раҳбар имзоси. Бундан ташқари, товарларни реализация қилиш бўйича қоғоз шаклидаги ҳисобварақ-фактураларда товарларни берган яна битта ходимнинг имзоси назарда тутилган.

Электрон ҳужжат айланишида эса ушбу барча вазиятларда битта имзо – юридик шахснинг ЭРИси етарли. Бугунги кунда электрон ҳужжатлар бутунлай компьютер ёрдамида яратилишини инobatта олган ҳолда, у «В» ходим томонидан эмас, балки «А» ходим томонидан имзоланганлигини исботлаб беришнинг деярли имкони йўқ.

Реклама

**«СОЛИҚЛАР:
САВОЛЛАР ВА
ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz.
web: www.norma.uz

Норматив база нима дейди

ЭРИ билан боғлиқ барча масалалар «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Унда айтилишича, ЭРИдан фойдаланиш оқибати учун унинг номига калит сертификати берилган жисмоний шахс (ҳақиқатда – ЭРИ эгаси) жавоб беради. Талай ахборот тизимларида авторизация қилиш ва ҳужжатларни тасдиқлашнинг муқобил усуллари мавжуд бўлмаган шароитларда бу адолатли бўладими? Давлат хизматлари марказлари корхоналарга кўплаб – раҳбар кўрсатган ҳар бир ходимига биттадан ЭРИ беришга тайёрми?

Норматив-ҳуқуқий база тақомилига етказилмаган ва ушбу саволларга аниқ жавоб олиш имконини бермайди.

Яқин орада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги янги ЭРИни тақдим этади. Мазкур имзо билан «Банк-Мижоз» тизими билан ҳам ишлаш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқувчилар асл мақсадига кўра, қуйидагилар ҳақида ўйлаши керак:

➢ ЭРИ уни қўйган инсонни, худди қўлда имзо чек-кандек, юқори аниқликда идентификация қилиш имконини бериши;

➢ электрон ҳужжатларда, худди қоғоз шаклидаги ҳужжатлардаги каби, уни яратишнинг ҳар бир босқичида жавобгар шахслар (бош бухгалтер, товарни берган ходим) томонидан имзолаш имкониятини. Мисол учун директор ЭРИсини қайсидир бошқа ходим эмас, айнан директор қўйганлигини далolatлаши лозим.

Янги технологиялар пайдо бўлгунча – мавжудлари билан ишлаймиз.

Buxgalter.uz ЭРИ бўйича таваккалчиликларни умумлаштириди ва уларни камайитириш юзасидан тавсиялар тайёрлади.

Вазият	Нима қилиш лозим
<p>1. Директор ЭРИни бўйсунувдаги ходимларга беради Номларига ЭРИ берилганлар муайян ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш ўрнига, кўп ҳолларда ўз бўйсунувдагиларга ўзларининг электрон имзоларини беришади. Ёвуз ниятдагилар ЭРИдан (ғаразли ёки зарар етказиш, шу жумладан – махфий ахборотни ошкор этиш мақсадларида) бевосита ЭРИ мавжуд флешка учун бўлганда фойдаланиши ёки ундан нусха олиб, кейинроқ фойдаланиши мумкин</p>	<p>1) ЭРИни фақат улар билан муносабатлар меҳнат шартномаси билан расмийлаштирилган, сигналган ходимларга бериш; 2) ЭРИни беришни буйруқ ёки ишончнома билан расмийлаштириш; 3) ЭРИдан фойдаланиш имконига эга бўлган ходимлар доирасини максимал даражада қисқартириш; 4) ахборот тизимларига кириш ва ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқини чегаралашнинг мавжуд техник имкониятларидан фойдаланиш (баъзи ЭХФ операторлари каби)</p>
<p>2. Янги раҳбар ёки бош бухгалтер ўзидан олдин ишлаганлар номига берилган юридик шахс ЭРИдан фойдаланади (унинг розилиги билан ҳам бўлиши мумкин) Бу – қонунга хилоф ва келиб чиққан оқибатларига қараб бундай ҳаракатларга ҳужжатларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш, деб қараш мумкин</p>	<p>Номига ЭРИ берилган ходимни ишдан бўшатиш чоғида: 1) эски ЭРИни бекор қилиш ва янгисини олиш учун иложи борича тезроқ Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш; 2) my.soliq.uz даги солиқ тўловчининг шахсий кабинетиде «Юридик шахснинг реқвизитлари» тугмаси ёрдамида раҳбар (бош бухгалтер)нинг шахсга доир маълумотларини ўзгартириш.</p>
<p>ЭРИдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ходим ишдан бўшатиш У зарар етказиш билан шугулланиши, ЭРИдан ғаразли мақсадларда фойдаланиши, ахборот тизимларидан олинган махфий ахборотни ошкор қилиши мумкин</p>	<p>Ходимни ишдан бўшатиш чоғида my.soliq.uz даги юридик шахснинг шахсий кабинетиде махсус тугма ёрдамида ЭРИ паролни алмаштириш.</p>
<p>4. Ичида ЭРИ бўлган флешка йўқотилган ёки унинг пароли учинчи шахсларга маълум бўлган Вазият ЭРИдан ғаразли, зарар етказиш мақсадларида қонунга хилоф фойдаланиш ёки махфий ахборотнинг чиқиб кетишига олиб келиши мумкин</p>	<p>1. my.soliq.uz даги солиқ тўловчининг шахсий кабинетиде ЭРИ паролни мунтазам ўзгартириб туриш. Флешка йўқотилган ёки пароль учинчи шахсларга маълум бўлиб қолган тақдирда буни иложи борича тезроқ амалга ошириш лозим. 2. Флешка йўқотилган тақдирда эски ЭРИни бекор қилиш ва янгисини расмийлаштириш учун Давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилиш</p>
<p>5. Компьютернинг хавфсизлиги таъминланмаган Қоидабузарлар жосуслик дастурлари ва техник мосламалар ёрдамида ЭРИ ва унинг паролни ўғирлашлари мумкин</p>	<p>1. ЭРИ сертификатини сақлаш учун фақат текширилган, техник соз бўлган, модернизация қилинмаган қурилмадан фойдаланиш; 2. ЭРИ билан ишлайдиган компьютерда: • вақти-вақти билан паролни ўзгартириб туриш; • лицензияли антивируси ўрнатилган; • шубҳали ҳавоалардан ўтманг; • ишончсиз манбалардан дастур ва файлларни юклаб олманг; • вирус мавжудлиги юзасидан текширилмаган флешкалардан фойдаланманг. Тизим администраторларини назорат қилинг. Улар ҳам қоидабузар бўлишлари мумкин.</p>

Олег Гаевой.

Консуллик ҳисобига туриш керак

Тожикистонда туғилиб, ўша ерда катта бўлдим. 1992 йилда Ўзбекистонга кўчиб келдим ва пропискадан ўтдим. Яшаш гувоҳнома бор. 1993 йилда Ўзбекистон фуқаросига ўланганман, ўғлимиз бор. 2002 йилда Ўзбекистондан кетиб, ҳозирги кунга қадар Россияда яшайман. Россия фуқаролигини олдим, бироқ яшаш гувоҳномани Ўзбекистон ОВИРга топшириб, ўрнига Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасининг хорижий паспортини олганман. Энди Ўзбекистонга келиш ниятидан, шу боис Ўзбекистонга киришим тақиқланмаганмикан, шун билмоқчи эдим.

– Белгиланган тартибда хорижга доимий яшаш учун чиққан, шунингдек вақтинча хорижда бўладиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатида туришлари шарт.

Хорижга доимий яшаш учун чиққан ва хорижга доимий яшаш учун чиқишларини белгиланган тартибда расмийлаштирган фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий консуллик рўйхатига олинди.

Хорижга хизмат сафари, ўқиш, даволаниш, ишлаш, шунингдек ўз оиласи билан бирлашиш мақсадида чиқиш кетган ва хорижга вақтинча чиқишларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирган фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча консуллик рўйхатига олинди.

Фуқаролиги бўлмаган шахс ўзи бораётган мамлакатга қонуний тарзда ва 6 ойдан ортиқ вақтга келган тақдирда, у вақтинча консуллик рўйхатига олинди (Низомнинг III бўлими, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 2-илова).

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида доимий ёки вақтинчалик хорижга чиқишни расмийлаштирган бўлсангиз ва хорижга чиқиш учун йўл ҳужжатини олган бўлсангиз, Россия Федерациясидан туриб биринчи навбатда, Москва шаҳридаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига вақтинчалик ёки доимий консуллик ҳисобига туриш масаласи бўйича хорижага киришингиз лозим. Сизга консуллик ҳужаби расмийлаштирилганидан кейин Ўзбекистонга ўз оилангизга қайтишни расмийлаштиришни бошлашингиз мумкин.

Ўз вақтида расмийлаштириш зарур

СССР паспортим бор эди. Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида прописка қилинганман. Паспортим йўқолган. Кўп жойларга мурожаат қилганман, лекин фойдаси бўлмади. Нима қилишим керак?

– Паспортини йўқотиб қўйган фуқаро зудлик билан доимий рўйхатда турган жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига хабар бериши лозим, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомиллар ўтказилганидан кейин унга янги паспорт берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг пас-

портини ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатини йўқотганликлари ҳақидаги аризалари бўйича ички ишлар органлари томонидан тегишинча белгиланган шаклдаги маълумотнома берилади, маълумотноманинг орқа томонига доимий ёки вақтинча рўйхатда турганлиги тўғрисида штамп қўйилиши мумкин. Маълумотнома ички ишлар органларининг МваФР бўлими томонидан берилади.

Паспорт йўқолганлиги тўғрисидаги аризалар ҳисобига олиш журналида Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатга олинади (Низомнинг II-1-бўлими, ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Йўқотилган СССР фуқароси паспортини билан яшаб юрганлигини сабабли МваФР бўлими ходимлари сизни Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида идентификациялай олишмаган, чунки Ўзбекистон паспортини олиш учун ханузгача мурожаат қилмагансиз. Ушбу далил паспорт тизимини қўпол равишда бузиш ҳисобланади, сабаби 1995 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар аҳолини паспортлаштиришга оид бир қанча тадбирлар ўтказилган.

Айни пайтда МваФР бўлимига ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилишингиз лозим, унда СССР паспорти йўқолганлиги билан боғлиқ ҳолат ва паспортни ўз вақтида алмаштириш учун мурожаат қилинмаганлиги сабаби баён этилиши лозим.

Мазкур масалага оид барча материаллар ички ишлар органларининг раҳбарларига ёки уларнинг ўринбосарларига кўрсатилади. Улар вазиятга қараб, бундай шахсларга нисбатан тегишли текширув ўтказилиши ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 31 ва 35-моддаларига мувофиқ кўриладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиши тўғрисида қарорлар қабул қилади. Уларга мувофиқ ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган шахснинг, шунингдек унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансулиги шубҳа туғдирган барча ҳолатларда, ЎЗР фуқаролигига мансулиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансулини аниқлаш чоғида шахс ўзининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши ёки ундан маҳрум бўлиши сабаблари кўрсатилган таржимаи ҳолини, яшаётган мuddати ва оиласининг таркиби кўрсатилган доимий истиқомат жойидан маълумотномани, 3 та фотосуратни тақдим этади.

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансулигини аниқлаш яқунлари бўйича асосли ҳулоса чиқарилади, уни тегишли ички ишлар органнинг раҳбари имзолайди ва шаҳар ёки туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансулини аниқлаш чоғида шахсга (зарур ҳолларда) Ўзбекистон фуқароси паспортини бериш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тақлиф этилади (20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон билан тасдиқланган Низом).

Виза – онлайн

Электрон туристик виза юзасидан саволим бор. Бу нима ўзи? Тушунтириб берсангиз.

– Фуқаролари электрон кириш визаларини олиш имконига эга давлатлар рўйхатига киритилган давлатлардан чет эллик фуқаролар Ўзбекистоннинг хориждаги консуллик муассасасига ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментига мурожаат қилмасдан туриб, 30 кунга бир марталик, икки марталик ва кўп марталик элект-

рон визаларни расмийлаштириши ва олиши мумкин. Бу e-visa.gov.uz портали орқали «E-Visa.uz» тизими воситасида амалга оширилади. Электрон виза олишни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг электрон кириш визалари тўғрисидаги низомда белгиланган (4.07.2018 йилдаги ПҚ-3836-сон қарорга 1-илова).

Электрон визани расмийлаштириш ва олиш учун мурожаатларни кўриб чиқиш мuddати мурожаат келиб тушган кун ҳисобга киритилмаган ҳолда 2 иш кунини ташкил этади (Низомнинг 6-банди).

Олдингизми, эҳтиёт қилинг

2017 йилда Россия Федерациясининг ҳудудида Москва шаҳрида эҳтиётсизлигим туфайли паспортимни ит чайнаб ташлаган. Буни билгач зудлик билан Ўзбекистон Элчи-хонасига мурожаат қилдим, у ерда менга Ватанимга қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат тақдим этилди. Самарқандга қайтагач, яшаш жойимдаги паспорт столига паспортимни тиклаш учун мурожаат қилдим. Шахсимни тасдиқловчи ҳужжатни олиш учун 2 ой кетди. Паспортни олгач, стикер учун ОВИРга мурожаат қилдим. Уни 1,5 ой кутишимга тўғри келди, бироқ менга 2 йилга тақиқ белгиланди ва сабаби тушунтирилмади. РФга стикерсиз қайтдим. 3 йил ўтгач, 20.01.2020 йилда ОВИРнинг тақиқ мuddати тугаганлигига умид қилиб Ўзбекистонга қайтдим. Шаҳар паспорт столига мурожаат қилдим, у ерда менга тақиқ ҳали олиб ташланмаганлигини маълум қилдилар, сабабини тушунтирмадилар, нима қилишим кераклиги айтмадилар. Паспорт столи ходимлари қандай йўл тутишимни аниқ айтмадилар. Нима қилишим керак?

– Ҳа, шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижда бўлганида борган мамлакатнинг қонунларини бузганлиги тўғрисидаги ахбороти, шунингдек хорижга чиқиш мақсада мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти (қонун бузилишлар рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) мавжуд бўлса – у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб 2 йил ўтгунча рад этишлари мумкин. Хорижга чиқиш ҳуқуқидаги чекловлар учун асослар рўйхати кенгрок талқин қилиниши мумкин эмас (Низомнинг 39-банди, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4079-сон қарорга 1-илова).

Бошқа асослар бўйича хорижга чиқиш ҳуқуқи рад этилганлиги ва белгиланган мuddатда жавоб қайтарилмаганлиги юзасидан фуқаро юқори турувчи органга шикоят қилиши мумкин, у ерда бир ойдан кечиктирмай жавоб беришлари шарт, уларнинг қарорларидан норози бўлинган тақдирда судга мурожаат қилиш мумкин.

Шу тариқа, хорижий давлат ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига нисбатан эҳтиётсизлик қилганлигини ва уни яроқсиз ҳолга келтирилган ҳолат учун Ўзбекистон Республикаси ТИВ МваФР Бош бошқармасида ҳисобга қўйилгансиз.

Юқори турувчи органга ҳисобдан чиқариш масаласи бўйича мурожаат қилишингиз лозим. Рад жавоби олган тақдирингизда, суд инстанциясига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Санжар Хўжаҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёлқазиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«НОРМА» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр курсети – 186. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ, Баҳоис кўчилиши нарҳда.
Буюртма г-322. Адади 710. Газета 2020 йил 16 март соат 15.00 да топширилди.